

# Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

Ҳақсевар она юрт, мангу бўл обод!

Вилоят  
ижтимоий-сиёсий  
газетаси

2020 йил  
1 январь

ЧОРШАНБА

№ 1 (13262)

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

## ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИГА ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ

Азиз ватандошлар!

Мана шу қувончли лаҳзаларда сиз, азизларни, кўп миллатли бутун халқимизни Янги йил байрами билан чин қалбимдан муборакбод этаман! Барчангизга сийҳат-саломатлик, оилавий бахт тилайман!

Ўтиб бораётган йил мамлакатимиз учун унутилмас воқеаларга бой бўлди. Турли қийинчилик ва синовларни ҳам бошимиздан кечирдик.

Халқимизнинг фидокорона меҳнати билан «Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили» да улкан ютуқларга эришдик. Мамлакатимиз салоҳияти ва рақобатбардошлигини ошириш йўлида янги қадамлар қўйилди.

Иқтисодиётимизнинг етакчи соҳа ва тармоқлари жадал ривожланмоқда. Юқори технологияларга асосланган замонавий корхоналар, янги транспорт тизимлари ишга туширилмоқда.

Миришкор деҳқон ва фермерларимиз, мураккаб об-ҳаво шароитига қарамасдан, мўл ҳосил етиштирдилар.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг йўл очилди.

Йил давомида ҳудудларда аҳоли, айниқса, ёшларимиз, хотин-қизлар учун кўплаб янги иш ўринлари яратилди.

Давлат дастурлари асосида шаҳар ва қишлоқларимиз, юртимиз қиёфаси бутунлай ўзгармоқда.

2019 йилда минг-минглаб юртдошларимиз, жумладан, кам таъминланган оилалар шинам уй-жойларга эга бўлдилар.

Илм-фан, таълим ва тарбия соҳасида туб бурилиш даври бошланди.

Янги-янги бочка ва мактаблар, олий ўқув юр-

лари, етакчи хорижий университетларнинг филиаллари, шифохоналар, маданият ва спорт масканлари бунёд этилмоқда.

Энг муҳими, одамларимизнинг ҳаёт даражаси, Ватан тақдирига дахлдорлик туйғуси, эртанги кунга ишончи тобора кучаймоқда.

Жамиятимизда демократия тамойиллари, очиқлик ва эркинлик муҳити чуқур қарор топмоқда.

Кўни кеча Олий Мажлис ва маҳаллий Кенгашларга бўлиб ўтган сайловлар буни яққол тасдиқлади. Сайловлар Ўзбекистон демократик тараққиёт йўлидан ортга қайтмаслигини яна бир бор исботлади.

Мустақиллигимиз, осойишта ҳаётимиз кафолати бўлган Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳияти мустаҳкамланмоқда.

Тинчликсевар ва амалий ташқи сиёсат олиб бораётган давлатимизнинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ортиб бормоқда.

Мухтасар айтганда, 2019 йил янги Ўзбекистон тарихида ҳар томонлама ёрқин из қолдирмоқда.

Хурматли юртдошлар! Биз миллий юксалишнинг муҳим босқичига қадам қўймоқдамиз.

2020 йилда ҳам иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда кенг қўламли ислохотларимизни фаол давом эттирамиз.

Хусусий мулк, тадбиркорлик ва бизнес учун янада қулай муҳит яратишга, янги иш ўринлари ташкил этишга алоҳида аҳамият қаратамиз. Иш ҳақи, пенсия, стипендия ва нафақаларни, аҳоли реал даромадларини кўпайтириш эътиборимиз марказида бўлади.

Одамларимизнинг яшаш шароитини, коммунал-маиший хизмат сифатини яхшилаш, арзон ва қулай уй-жойлар куриш бўйича бошлаган ишларимизни янада кенгайтирамиз.

Фарзандларимизга муносиб таълим ва тарбия беришга, уларнинг қобилият ва истеъдодини рўёбга чиқаришга барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга қаратилган ишларимиз янги босқичга кўтарилади.

Нуроний фахрийларимиз, мунис опа-сингилларимизга эътибор ва ғамхўрликни янада кучайтирамиз.

Ижтимоий ҳимоя ва кўмакка муҳтож юртдошларимизни доимий қўллаб-қувватлашга биринчи даражали аҳамият берамиз.

Тинчлик ва барқарорликни, жамиятда ўзаро ҳурмат ва аҳилликни мустаҳкамлаш асосий вазифамиз бўлиб қолади.

Бу борада дунё ҳамжамияти, аввало, ён қўшнилари билан самарали ҳамкорликни ҳар томонлама кучайтирамиз.

Азиз юртдошларим, қадрдонларим! 2020 йил ҳар бир оила, ҳар қайси хонадонга кут-баракат, бахт ва омад олиб келсин!

Барча эзгу мақсадларимиз рўёбга чиқсин! Жонажон Ўзбекистонимиз гуллаб-яшнасин! Янги йил барчамизга муборак бўлсин!

**Шавкат МИРЗИЁЕВ,**  
Ўзбекистон Республикаси  
Президенти

Янги йил байрамини ҳаммадан ҳам кўпроқ кичкинтойлар орзиқиб кутишади. Юртимизнинг ҳар бир гўшасида Янги йил шукӯҳи, байрамона кайфият ҳукмрон бўлган айна паллаларда болажонларнинг юзу кўзидаги табассум ва қувончни кўриб, ўзимизнинг ҳам завқимиз келади. Байрамлар арафасида кичкинтойларни хурсанд қилиш, уларга совғалар улашиш эзгу ва хайрли одат. Айниқса, ҳар йили анъанавий тарзда ўтказиладиган "Президент арчаси" тантаналари мурғак кўнгилларни олам-олам шодликка тўлдирди.

**Президент арчаси**



## КИЧИК КўНГИЛДАГИ КАТТА ОРЗУЛАР

Вилоятимизда бўлиб ўтган "Президент арчаси" Янги йил тантаналари ҳам болажонларга ана шундай унутилмас лаҳзаларни ҳада этди. Чирчиқ шаҳридаги "Кимёгарлар" маданият саройи ранго-ранг чироқлар билан безатилган. Байрам шодонасига вилоятдаги Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари, кам таъминланган оилалар, хизмат вазифини ўташ чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ички ишлар идоралари ходимла-

рининг фарзандлари таклиф этилди. Безатилган арча атрофида Қорбобо ва Қорқиз, турли эртақ қахрамонлари, таниқли санъаткорлар бир-биридан бежирим либослар кийиб, байрамга ошиққан болажонлар ва меҳмонларни очиқ чехра билан қутиб олишди. Бу ерда янграган куй-қўшиқлар, эртақ қахрамонларнинг қизиқарли ҳазил-мутойибалари йиғилганларга байрамона кайфият улашди. Каттаю кичик хурсанд бўлиб рақсга тушди. Тадбирда вилоят маданият ва спорт ишлари бошқармаси тизимидаги ижодий гуруҳлар томонидан сахналаштирилган яхшиликнинг ёмонлик устидан тантанаси, дўстлик ва китобни улуғловчи театрлаш-

тирилган сахна кўринишлари Қорбобо, Қорқиз ва эртақ қахрамонлари иштирокидаги томошаларга улашиб кетди. Янги йил байрамини жуда яхши кўраман, — дейди Тошкент туманидаги 13-мактаб ўқувчиси Муҳаммадризо Зоҳиджонов. — Ҳар йили бу байрамни интиқлик билан кутаман. Бугун ўртоқларим билан маза қилиб ўйнадик, Президентимиз совғаларини олдик. Бу йилги байрам жуда чиройли ўтапти. Биз учун шундай байрам кечасини ташкиллаштирилганларга раҳмат. Тадбирда иштирок этган вилоят ҳокими вазифини бажарувчи Рустам Холматов болажонларни сахнага етаклаб чиқиб, уларни байрам билан табриқлади ва "Прези-



Нозимжон ИСМОИЛОВ олган суратлар

дент совға"ларини тантанали вазиятда топширди. Шунингдек, тадбир меҳмонлари ва болажонлар санъат усталари томонидан сахналаштирилган "Янги йил эртаги" композициясини томоша қилишди. Куннинг иккинчи ярмида "Наврўз" тантаналар мажмуа-

сидаги тўқин дастурхон атрофида байрам шодиёналари давом этди. Шу каби байрам томошалари вилоятимизнинг барча шаҳар ва туманларида давом этмоқда. **К. САЛОМОВА,** "Тошкент ҳақиқати" муҳбири

### Шукӯҳ

Мана, 2019 йил ҳам тарихга айланди. Ўтган йил юртимизда барча соҳаларда халқимизнинг фидокорона меҳнати эвазига катта ўзгаришлар, мисли кўрилмаган бунёдкорликлар йили бўлди. Замонавий корхоналар, уй-жойлар, йўллар, кўприклар қурилди. Таълим, тиббиёт, маданият ва спорт масканлари барпо этилди.

## ҚУТЛУФ ҚАДАМЛАР

Хорижий давлатлар, аввало, яқин қўшнилари билан дўстлик ва ҳамкорлик ришталари янада кучайди. Ватанимизнинг халқаро нуфузини ошириш учун салмоқли ишлар қилинди ва буни бутунжаҳон эътироф этилмоқда. Буюк Британиянинг "The Economist" журнали талқинига кўра, Ўзбекистон 2019 йилда "Йил мамлақати" номига муносиб кўрилди. Маълумки, мазкур нашр анъанавий тарзда ҳар йили демократия соҳасида энг катта ютуқларга эришган давлатни эътироф этади. Нашрнинг таъкидлашича, бу йилги танлов жуда қийин кечган. Ўрганишлар натижасига кўра, яқунда Ўзбекистон Ғолиб деб топилди. "Ўзбекистон ҳали узоқ йўл босиб ўтиши лозим. Аммо, 2019 йилда бошқа ҳеч бир мамлакат бу қадар олдинга силжишни амалга ошира олгани йўқ", дейилади мақолада. Шунингдек, нашрда Ўзбекистонда мажбурий пахта теримининг бекор қилиниши ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимида амалга оширилаётган ислохотлар юқори баҳоланган.

Дарҳақиқат, ўтган Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили чин маънода халқимиз турмуш даражаси ва сифатини оширишга хизмат қилди. Аҳамиятли жиҳати шундаки, 2019 йилда халқ билан мулоқот янада юқори босқичга чиқди. Шу-

нингдек, тадбиркорлик ва хусусий мулкни қўллаб-қувватлаш борасида катта ишлар қилинди. Эҳтиёжманд оилалар ва ёрдамга муҳтож инсонларни ҳимоя қилиш, аҳоли даромадларини ошириш, фахрийлар, аёллар ва айниқса, ёшларга ғамхўрлик кўрсатиш юқори даражага кўтарилди.

2019 йил сайловлар йили сифатида ҳам тарих зарварақларига муҳрланди. Кузатилган йилнинг 22 декабрь санасида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва маҳаллий Кенгашларга сайловлар бўлиб ўтди. "Янги Ўзбекистон — янги сайловлар!" шiori остида ўтган сайловлар 2019 йил 26 июнь кuni қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси Сайлов кодексида белгиланган талаблар асосида амалга оширилди. Сайловларни дунёнинг турли бурчакларидан келган эксперт-кузатувчилар таҳлил қилишди ва яхши баҳолашди.

Мухтасар айтганда, яқунланган йил мамлакатимиз, шу жумладан, вилоятимиз учун ҳам ҳар томонлама ривожланиш ва чексиз имкониятлар йили бўлди.

Бугун барчамизга чексиз қувонч бағишлаб кириб келган Янги — 2020 йилдан ҳам умидларимиз катта. Уйлаймики, мазкур йилнинг ҳам қадами қутлуғ келсин. Гўзал ва бетакрор юртимиз янада гуллаб-яшнайсин!

**Кумуш ЭГАМБЕРДИЕВА**

**Маҳмуд ТОИР,**  
Ўзбекистон халқ шоири

### ЙИЛ КЕЛАЁТИР

Ташвишлар тегранда солса ҳам уввос,  
Аҳдингни ардоқла киндан бұл халос.  
Йўлингда йўл очган орзуга кафт бос,  
Янги тонг бошидан нур элаёттир,  
Йил ўтса, Янги бир йил келаёттир.

Армони армонда қолдириб яша,  
Ҳасадни занжирда толдириб яша.  
Яшасаң, дилларни ёндириб яша,  
Замон шиддатда сел келаёттир,  
Яхши ният билан йил келаёттир.

Умид узилмаса уммон бир қулоч,  
Икки кўз ҳар кимда, қалбинг кўзин оч.  
Айбонингга кўнсин янги қалдиригоч,  
Баҳорни етаклаб гул келаёттир,  
Офтобжамол билан йил келаёттир.

Оила — Ватандаги ором бекати,  
Оила — одамзотнинг боқий давлати.  
Оилада яралар умр ҳикмати,  
Тилдан томон болга дил тўлаёттир,  
Дуо қил, дуо ол, йил келаёттир.

Буюк аждодларга аялдемиз ахир,  
Ватанга муҳаббат улардан маҳр,  
Энди бизга навбат — ўзликдан фаҳр,  
Ҳурлигидан хуррам эл келаёттир,  
Шу элга бахт тилаб йил келаёттир!





Тошкент туманидаги "Зухринисо" маросимлар мажмуасида вилоят ҳокимлиги томонидан Янги йил байрами муносабати билан Янги йил байрами муносабати билан тантанали тадбир ўтказилди. Ўтган 2019 йилнинг ўзига хос сарҳисоби бўлган тадбирда вилоятимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига ҳисса қўшаётган турли соҳа вакиллари, фахрийлар, фаоллар ва ёшлар жамулжам бўлишди.

### Сурур

Тадбир аввалида вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Рустам Холматов йиғилганларни Янги – 2020 йил билан муборакбод этиб, самимий тилаклар билдирди.

– 2019 йил вилоятимиз учун ҳар соҳада баракали бўлди, – деди жумладан вилоят раҳба-

Тадбирда мамлакатимиз, қолаверса, вилоятимиз юксалишига ҳисса қўшаётган фермерлар, халқ таълими, молия ва банк, соғлиқни сақлаш, солиқ ва ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари, журналистлар, шунингдек, спорт соҳасида Ватанимиз байроғини



## ЙИЛ ФАОЛЛАРИ ЭЪТИРОФ ЭТИЛДИ



ри. – Фалла ва пахта бўйича режалар ортиги билан бажарилди. Янги йилда ҳам режаларимиз катта. Бизга билдирилган ишончни оқлашимиз керак. 2020 йил – Тошкент вилояти йили бўлишига ишонманам.



кўларга кўтараётган спортчилар эътироф этилиб, вилоят ҳокимининг фахрий ёрлиғи ва қимматбахо совғалар билан тақдирланишди.

– Тиббиёт соҳасида 45 йилдан бери фаолият кўрсатаман, – дейди вилоят ихтисослаш-



тирилган соматика шифохонаси шифокори Холида Шоносирова. – Бугунги тадбирда инсон саломатлигини сақлашдек масъулиятли касбни танлаганимдан яна бир бор гурурландим. Камтарона меҳнатларим қадрланиб, вилоят

ҳокимининг қўлидан совғалар олдим. Аслида гап совғада эмас – эътиборда.

Тантанали маросимнинг бадий қисмида Ўзбекистон халқ артистлари Фуломжон Ёқубов, Зулайхо Бойхонова, Гулсанам Мамазоитова, шунингдек, эл ардоғидаги санъаткорлар Равшан Комилов, Алишер Файз, Абдурашид Йўлдошев ва бошқалар ижросида янграган дилторта қўшиқлар, жозибали рақслар барчага байрамона кайфият улашди.

Аллома АЗИЗОВА,  
"Тошкент ҳақиқати" мухбири

## ВИЛОЯТ БЎЙЛАБ

ОҲАНГАРОН тумани Давлат хизматлари маркази эски бинода жойлашган эди. Байрам арафасида "Ёнарик" маҳалла фуқаролар йиғини худудидаги 2 қаватли бино тўлиқ таъмирланиб, туман давлат хизматлари маркази ихтиёрига топширилди. Марказда фуқаролар учун барча зарур шароитлар яратилган. "Тошкент – Ўш" автомобиль йўли бўйида жойлашган бинонинг ташқи кўриниши ҳам жуда кўркам.

– Марказимизда Президентимиз томонидан илгари сурилган "Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак", деган тамойил асосида ишлаётганимиз жисмоний ва юридик шахсларнинг муурожаатларини тез ва сифатли ҳал этиш имконини бермоқда, – дейди марказ директори Шахло Кўчимова. – Худудимизда инвестиция муҳитини янада яхшилаш учун инвесторларни давлат рўйхатидан ўтказишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айни кунда хорижий инвестиция иштирокидаги корхоналар жами 24 тани ташкил этиб, шундан 9 таси қўшма, 15 таси хорижий инвестиция иштирокидаги корхона ҳиссасига тўғри келади. Жорий йилда 9 та шундай қўшма корхона давлат рўйхатидан ўтказилди.

### БЕКБОД шахрида ҳам

Давлат хизматлари маркази янги биносининг очилиш маросими бўлиб ўтди. Мазкур бино миллий меъморчилик анъаналари ва замонавий шаҳарсозлик намуналари асосида барпо этилган бўлиб, кенг ва шинам хизмат зали фуқаролар учун қулайлик яратади. Марказнинг очилиши шаҳар аҳолиси учун Янги йил байрамига совға бўлди.



### ПИСКЕНТдаги "Баркамол авлод" болалар марказида

"Янги йилим" деб номланган байрам тадбири бўлиб ўтди. Марказ ўқувчи-ёшлари ва тўғарак раҳбарлари томонидан тайёрланган театрлаштирилган мусиқий дастур меҳмонларга байрамона кайфият бағишлади. "Арча байрами"да болажонлар эртак қаҳрамонлари, Қорбобо ва Қорқиз иштирокидаги қизиқарли ўйинларда қатнашиб, ажойиб совғаларга эга бўлишди.

ОҚҚЎРҒОН туманидаги буюк шоир Ҳамид Олимжон номи билан аталувчи аҳоли дам оладиган хиёбон ва унинг атрофи ташландик ва эбгор ҳолга келиб қолганди. Бугун бу жой обод масканга айлантирилди. Хиёбон ўртасида анчадан бери қаровсиз қолган Ҳамид Олимжон ҳайкали ҳам қайта таъмирланди ва шоир таваллудининг 110 йиллигига муносиб тўхфа бўлди.

Шу муносабат билан ташкил этилган тадбирда туман ҳокимлиги, фан, маданият ва санъат орбоблари, маҳалла фаоллари, ёшлар ҳамда жамоатчилик вакиллари иштирок этишди.

Худудда бунёдкорлик ишларини амалга ошириш учун маҳаллий бюджет ҳисобидан 638 млн. сўм маблағ сарфланди. Хиёбонда, шунингдек, аҳоли учун кутубхона, маҳалла гузари ҳам барпо этилди. Кутубхонада 500 дан ортиқ турли хил адабиётлар мавжуд.

Ўз мухбирларимиз хабарлари асосида тайёрланди  
Мансур ХИММАТОВ олган сурат

## МЕҲР МАНЗИЛИДАГИ ХОНАДОНЛАР

ОҚҚЎРҒОН тумани, "Бирлик" маҳалласидаги 48 нафар оила Янги йилни янги ва шинам уйларда кутиб олишди.

Тўрт қаватли янги уйнинг топширилиши муносабати билан бўлиб ўтган тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Улугбек Муҳаммадиев ва туман ҳокими Фарҳод Омонов хонадон эгаларини табриклашди.



### Тўхфа



Шунингдек, тумanning "Хонобод" маҳалласи худудида 10 минг нафар аҳолига хизмат кўрсатувчи қишлоқ врачлик пунктининг янги, 2 қаватли замонавий биноси ҳам фойдаланишга топширилди.

### Хориждан қутловлар

Янги йил юртимизга ўзининг қутлуғ қадамлари билан кириб келди. Бугун бутун дунёдаги эзгу ниятли, пок кўнгилли инсонлар катта орзу-мақсадлар билан умрнинг яна бир янги саҳифаси очилган кунни байрам қилмоқдалар.

Фабьен ГАБЕЛ,  
Франция, Квебек музика академияси раҳбари:



– Ўзбекистонга икки йил аввал сайёҳ сифатида боргандим. Тўғриси, юртингизга доир ҳамма айтган гапни, ҳамма мақтаган жозибадорлиқни қайтариш истагидан йироқман. Негаки, Ўзбекистоннинг гўзаллиги – аксиома. Айтмоқчи бўлганим, юртингиздаги биз хали номини билмайдиган сурур эди. Мен таниган ё мени таниган ўзбеклар кўп эмас, аммо уларнинг кўнглидаги кенглик дунёлар қадар. Ўзбекистон халқи катта орзу-умидлар ила Янги йилни нишонламоқда. Мен бир музикачи сифатида санъатсевар халқингизни қутлар эканман, 2020 йил очик кўнглингиздек нурафшон кунларга, Бетховен симфонияларидек теран мазмунга бой бўлишини тилайман.

Роберт ТОМСОН,  
АҚШ, The Wall Street Journal наشري Бош муҳаррири:

– Ўзбекистон матбуотида кириб бораётган эркин нафас, бу соҳада кейинги йиллар рўй берган янгилинилардан мени хабардор қилиб қўйганингиз учун раҳмат. Бу ҳар қандай журналист учун қувонарли ҳол. Ҳар сафар газета чиқади кун жамоадигиларни бир жойга йиғиб, шундай дейман:

Интиқом ЯШАР,  
Озарбайжон, Дунё Ёш туркий шорлар бирлиги раиси:



– Шу кунга қадар Ўзбекистон заминидан ўн таъзони ўз сафимизга қабул қилдик ва биз улар сиймосида ўзбек адабиёти, умуман, ўзбекистонлик қалам-қашларга нақадар юксак эътибор қаратилаётганининг гувоҳи бўлаяпмиз. Бу бахайр ишларни амалга ошираётганларга эса саломларимиз бор!

Янги йил муборак, қардошлар. Биз эски йилдаги бутун меҳру-оқибатимизни келаётган йилга ҳам бус-бугун олиб ўтиш истагидамиз. Илоҳим, шундай бўлсин. Ўртаимиздаги азалий эзгу ришталар мустақамланиб, ўзбек диёрида ижод шавқига тўла шамоллар эркин эсаверсин.

## ЁЛҒИЗ ЯШАБ БЎЛМАЙДИ

Байрам арафасида адабий ходимимиз ижтимоий тармоқлар орқали хорижлик маданият ва санъат намояндалари ҳамда ҳамкасб дўстларимиз билан боғланиб, уларнинг байрамолди дил из-

ҳорларини ёзиб олди. Уларда жаннатмонанд юртимизга ва олижаноб халқимизга катта эҳтиром билан самимий тилаклар билдирилгани эътиборлидир.



Жованни Ди ЛОРЕНСО,  
Германия, DieZeit наشري Бош муҳаррири:



– Бизга олийгоҳларда сўзнинг кучини таърифлашга сўзнинг ўзида ожизлик қилади, деб ўргатишган. Аслида ҳам шундай. Бугун сўзлар орқали тилак билдириш ҳам осон эмас. Майли, сўз ҳамемини обдон титкилаб нимадир дейишга имкон топдим.

Томиримизда оқаётган қон қайси миллатга мансуб бўлмасин, барибир у кизил рангда. Бу бизнинг бирлигимизни, биз манбадан бунёд бўлганимизни, бу дунёда ёлғиз яшаб бўлмаслигини билдирмайдими? Модомики шундай экан, демак мен ўзимга нима тилак тиласам, сизга ҳам шуни тилашим керак. Боз устига ҳамкасб эканмиз.

Қадри ўзбек журналистлари! Янги йилда адолат бош мезонимизга айлансин. Биз бош тикан бу касбда ўз манфаатимизни ўйлашни буткул унуттишимиз шарт! Сизни фақат Янги йил билан эмас, балки буткул ҳаққонийликка эришганингиз билан муборакбод этмоқ ҳам бизга фахр бағишласин!

"Тошкент ҳақиқати" учун  
Мирзохид МУЗАФФАР ёзиб олди



# НУРАФШОН ШАҲАР ХАЛҚ ТАЪЛИМИ БЎЛИМИ ЖАМОАСИ

барча юрtdошларимиз ва таълим фидойиларини

## Янги йил



билан табриклайди!

**2020** йил ҳам таълим соҳасида  
туб бурилишлар йили бўлишига ишонамиз.  
Янги йил барчамиз учун  
муваффақиятлар йили бўлсин!



Давлат  
Хизматлари  
Агентлиги

## Давлат хизматлари агентлиги

Тошкент вилояти бошқармаси  
жамоаси

вилоятимиз аҳлини

## Янги йил

билан самимий  
муборакбод этади!

2020 йил улкан имкониятлар,  
барқарорлик ва фаровонлик  
йили бўлсин!

Соғлиқ, бахт ва омад  
йил бўйи Сизни тарк этмасин!

## Тошкент вилояти Касаба уюшмалари ташкilotлари бирлашмаси кенгаши юрtdошларимизни

## Янги – 2020 йил

билан табриклайди.

Мамлакатимиз равнақи, халқимиз  
тинчлиги йўлидаги эзгу ишларингизда  
улкан зафарлар ёр бўлсин!

Байрамингиз  
муборак бўлсин,  
азизлар!





31 декабрь. Йилнинг сўнги куни. Одатдагидек ишга келдим. Шу пайт қўл телефонимга хабар келди. Ўқидим. Вилоят хотин-қизлар кўмитасининг расиси Озода Паррибоевадан: "Вақтинг бўлса, савоб ишга шерик бўлмайсанми?.."

Соат 09:00. Ҳокимлик биносида одатдагидек иш қайнади. Котибият мудирлари, гуруҳ раҳбарлари, мутахассислари коридорларда илдам ҳаракат қилиб, бу йил ҳисобидан бажариш керак бўлган ишларни якунига етказиш ҳаракатида...

### Одамийлик шеваси

Бугун меҳнаткаш деган сўз шўродан қолган, "маънан эскирган" ибора деб ўйласангиз адашасиз. Меҳнаткаш жайдари ва энг халқона сўзнинг қадрини ўзимиз пасаитирдик. Аммо, меҳнаткашнинг қадри пасаитгани йўқ. Тошкент вилояти ҳокимлигида қисқа даврлик фаолиятим мобайнида кўрдим-билдим – ҳокимлик тизимидаги ходимларни бир сўз билан таърифлаш мумкин бўлса, меҳнаткашлар, деб аташни жоиз кўраман. Бинобарин, ҳокимият ходими бугун фавқуллодда меҳнатсевар бўлмаса, бу тизимдаги умри узоққа бормайди. Талабга жавоб бермадингми, жойингни кўрсатиб қўйишади. Умуман олганда, ҳокимият ходимлари халқнинг, халқчил ишхотларнинг талабларига мувофиқ ўзгараётти – кадрлар қайта ва қайта сараланаётти.

Аввалги мавзуга қайтиб давом эттирдиган бўлсам, ишга келганим ҳамона дарвоза олдида вилоят ҳокими вазифини бажарувчи Рустам Холматов, ўз ода-тича, фуқароларни қабул қилаётгани, кундалик юмушлари билан банд эканини кўрдим.

Ахборот хизмати жамоаси билан йил якунларига бағишланган чиқишларимизни саралаб турганимизча, Озода опа кўнгирик қилиб қолди: "Кетдик укам, борасанми ёки ишинг кўпми?"

Жўнадик. Олдинда вилоят ҳокимининг "Тойота"си, кейингисиде Озода Паррибоева, охирида биз. Ҳар эҳтимолга қарши суратчимизни ҳам бирга олганмиз.

Сеизб турибман – вилоят хотин-қизларининг жонқуяри Озода опа яна ҳокимнинг олдида кириб, "Бормасангиз бўлмайди?" репликасини ишлатган. Мақсад бир кўнгли яримнинг, бир хастанинг, йил адоғида дилгир ўтирган дардманднинг ҳолидан хабар олиш.

Дарвоқе, журналистика соҳасида учиб-қўниб, ҳокимият тизимида иш бошлар эканман, дастлаб вилоят ҳокими билан учра-шиш, бирга ишлаш қандай бўлишини, ҳуж-

жатни қандай тайёрлаб, имзога қандай олиб кириш тартибини, бу борада қимдан маслаҳат сўраш кераклигини билмай, буни бировга айтишдан уялиб юрганман.

Рустам Холматов раҳбар бўлиб тайинлангандан кейин, орадан беш кун ўтгач, ҳокимлик аппарати ходимлари учун йиғилиш қилди. Ушанда айтган бир гапни ҳануз эсимда: "Мен ўз зиммамга юклатилган барча ишларга жисмонан улгура олмастим мумкин. Кўриб турибсизлар, иш ҳажми жуда катта. Аммо, сизлар – ҳар бир йўналиш ва соҳа учун масъуллар, билиб қўйинглар, менинг олдимга кириб, масалани кўндаланг қўйиб, жамоа бўлиб ишлашинглар шарт.



ди, тез ва аниқ, қисқа ва асосли жавоб беришинг керак. Асословчи материаллар мажмуи қўлингизда бўлиши шарт. Акс ҳолда гапдан тутилмасан ва ҳужжат қайта ишлашга юборилади.

Юқоридагиларни ёзишдан мурод шуки, вилоят ҳокимлигида Озода Паррибоева ҳокимнинг вақтига энг кўп эга чиқадиган, қўнда кунора тегишли масалага эътиборини қаратиб, жараёни барча риважларини ишга солиб, ҳаракатга келтира оладиган раҳбар.

бўлгани ҳақидаги ўйларга берилиб кузатаман.

Йўқ, биз томоша қўйишга, телеграмм каналларини жунбишга келтириб гўмбурлатишга, телевидение орқали "Фалонча кам таъминланганларга фалонча турдаги ёрдам..." деб бошланадиган мақтанчоқлик операсини сахналаштиришга бормадик. Ал-ҳол! Мен билган Рустам Холматов, Озода Паррибоева ундайлардан эмас. Агарки шундай бўлса, ўйлаб ўтирмай аризамни ёзиб,

## ЎТТИЗ БИРИНЧИ ДЕКАБРЬ сабоқлари



Кимки, масалани кун тартибига қўя олмаса, унинг тизимида ишлар орқага кетади, қолгани ўша ходимнинг виждонига ҳавола..." Яна бир жиҳат. Биз – аппарат ходимлари бирон ҳужжат лойиҳасини имзога тайёрлар эканмиз, уни умумий бўлим орқали почта қилиб, раҳбарга киргазмаймиз. Бунга рухсат йўқ. Шахсан ўзинг раҳбарни олдида кириб, "тет а тет" гаплашишинг керак. Ҳоким ҳужжатни ўқийверади, савол беравера-

Бугун – муҳим ишлар қалашиб турган, йил якунлари сарҳисоб қилинаётган паллада ҳам айнан у "Бормасангиз бўлмайди?" деб оёқ тираб туриб олган, фикрини асослаган. Вилоят раҳбари бажариши керак бўлган юмушларнинг умумий ҳисобидан ўз соҳаси учун кўпроқ вақт талаб қилган.

Хуллас йўлдамиз. Дастлаб Ўрта Чирчиқ туманидаги "Ангор", сўнгра "Ўртаовул" маҳалла фуқаролар йиғинига бордик.

Биз борган хонадон эгалари – оддий, фариштали одамлар. Тириклик қори, ҳаёт ташвишларидан бир оз ҳориган, Яратганининг гўзал синовларига пешвоз чиққан мард юртдошларимиз эди.

Мен ҳаммаша инсоннинг қалб бисоти синовдан ўтадиган нозик пайтларда раҳбарларнинг ҳар бир ҳаракати ва ўзини тутиши, бу ерга келишидан асл мақсади нима

ўша куннинг ўзида ишдан кетган бўлардим.

Умуман, Ўрта Чирчиқда ҳам, ундан кейин Оққўрғон туманидаги биз борган хонадонларда ҳам ўлкамиздаги энг салоҳиятли вилоятнинг раҳбари билан гердаиб боргани эмас, Яратганининг бир оғиз бандаси, иккинчи бир оғиз бандасидан хабар олиш, қайғусига, ҳасратига шерик бўлиш учун борганини кўриш мумкин эди...

Бундай лаҳзаларда бўзсингга нимадир қадалади, юртнинг тепасида турганларнинг имони саломат, юраги тоза бўлса, эл-юртга нақадар яхши эканини ўйлабсан, киши.

Дарвоқе, Оққўрғон тумани "Зарбдор" маҳалла фуқаролар йиғинида бир мард қиз яшайди. У учта синглисини оқ ювиб, оқ тараб катта қилаяпти. Шу ўтган бир йил ораллигида улар аввал отаси, сўнгра онасидан айрилди.

Этибор беринг, Гуллола ўзининг аҳволини етти маҳаллага жар солиб, портални портлатиб, одамлар, менга ёрдам беринглар, деб айюҳаннос солмаган. Нимасини айтасиз, уйда газ плитаси эскирса, ўнта жойга ёзишни одат қилганлар камми?

Бу қиз, унинг ҳаёти ҳақида алоҳида ёзаётганимга яна бир сабаб бор. Уларнинг ўйдан олислаётти, кўчасидаги ёзувга назар ташладим. Э, воҳ! Аллоҳнинг инояти, менинг ақлим етмайдиган ҳикмати бўлса керак – у "Меҳр" деб номланган кўчада яшар экан...

Бу ҳолнинг шарҳини қалбимга жойлаб, Ўзига шўқ айтиб турарканман, навбатдаги боражак манзилимизнинг номи унданда ҳайратли эди – олдинда "Тафаккур" кўчасида бир юртдошимиз, ҳокимликнинг, демакки, давлатнинг бир имдодига муҳтож ўйсиз аёл танишиникида яшар эди...

Аввал меҳр, сўнгра тафаккур... Аё, парвардигор, на қадар марҳаматлисан, ҳар қадамда ҳикмат, ҳар қадамда марҳамат!

Биз борган жойларимиздаги суҳбатлар, вилоят ҳокими ва унинг ўринбосари уларга қандай сўз айтгани, истиқболда нималар қилишга жидду ҳақд этилгани ҳақида ёзмаймман. Бинобарин, уларни ёзмам – аслида ёзишга арзийдиган, ёзиш шарт бўлган ҳолатлар кўп – муҳтарам ўқувчиларда сўзимнинг самимиятига ишонч йўқолиши мумкин.

Негаки, бугун – йил адоғида ҳоким қаерда, деган саволга ўзимча жавоб ахтариб кўриш учун, атиги бир кунлик ҳолат мисолида жавоб ёзаяпман. Чунки, ҳокимлик тизимида ишлаш бошлаганимдан буён энг кўп эшитган саволим: "Ҳоким ҳозир қаерда?" деган жумладир.

Мен бугун ўзим хизмат қилаётган ҳоким қаерда эканини билмаман. У бир қалби вайроннинг қалбида, орзулари осмоннинг умид юлдузи бўлиб яшайпти. Аминманки, бошқа вилоятларнинг ҳокимлари ҳам ана шундай эзгу ишларга камарбаста бўлиб, йилни ёруғ юз билан якунлаб туришибди.

Агарки, ўтган уч йил давомида – Шавкат Мирзиёев раҳбарлигидаги Ўзбекистонда содир бўлган ўзгаришлар манзарасида энг устувор жиҳат қайси, деб сўрасангиз, ўзингизга бир савол берадирим. Ва бу саволнинг жавоби, шу ҳақдаги ошқора муока-малар, мунозаралар, эътироз ва эътирофларда улуг ҳикмат, адолат тантанасига йўл бор.

Ўзингизга савол беринг, ҳоким ҳозир қаерда?..

**Беход ҚОБУЛОВ,**  
вилоят ҳокимлиги Ахборот  
хизмати раҳбари

### Дарвоқе

Меҳмондўст халқимиз. Айниқса, байрам кунлари боримизни дастурхонга тортамыз.

## БАЙРАМ КУНЛАРИ БЕЗИЁН ЎТСИН



Мана, Янги йилни ҳам кутиб олдик. Байрам дастурхони учун шунақанги турли-туман таомлар тайёрланадики, асти қўяверасиз.

Аммо, бундай кунларда тез бузилувчи гўшт, сут, кремли қандолат маҳсулотлари, салатлар, хамирли овқатларни кўп миқдорда тайёрлаш тавсия этилмайди. Сабаби, икки-уч кунлик озиқ-овқат маҳсулотлари ва салатлар ботулизм касаллигини келтириб чиқаради.

Шу каби нохуш ҳолат-

лар ва кўнгилсизликларнинг олдини олиш мақсадида, паст ҳароратда сақланиши талаб этилган маҳсулотларни со-вутгичларда асраш лозим. Пишган ва хом маҳсулотлар бир жойда сақланиши мумкин эмас. Таомлар, салатларни эҳтиёжга қараб тайёрлаш, узоқ туриб қолган озиқ-овқат маҳсулотларини истемол қилмаслик керак.

Унутманг, ҳар биримиз ўзимиз ва оила аъзоларимиз саломатлиги учун масъулмиз!

Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлиги  
Жамоатчилик билан алоқалар бўлими

**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ УЙ-ЖОЙ КОММУНАЛ  
ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БОШҚАРМАСИ  
ЖАМОАСИ**

**барча юртдошларимизни**

**Янги – 2020 йил**

**билан самимий қутлайди!**

**Янги йилда Ўзбекистонимизнинг  
сиёсий ва иқтисодий  
нуфузи янада  
юксалаверсин!**

**Юртимиз осмони ҳаммаша мусаффо бўлсин!**

**ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ**  
**ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА**

Муассис:  
Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир  
**Ғайрат  
ШЕРАЛИЕВ**

**Манзилимиз:**  
111500, Нурафшон шаҳри,  
Тошкент йўли кўчаси, 90.

**Тошкент шаҳридаги  
офисимиз:**  
100000, Матбуотчилар  
кўчаси, 32.

**Телефонлар:**  
(71) 233-84-95, (71) 233-58-85 (факс)  
(71) 233-70-10  
(71) 233-90-82  
(71) 233-38-23, (71) 233-48-08  
(71) 233-85-59, (71) 233-54-10

**Қабулхона:**  
**Бош муҳаррир ўринбосари:**  
**Масъул котиб:**  
**Бўлим муҳаррирлари:**  
**Эълолар ва ҳисоб-китоб бўлими:**

**Электрон почта:** toshkenthqiqati@umail.uz /// th-tp@inbox.ru

Тошкент вилояти  
Ахборот ва оммавий  
коммуникациялар бошқармасида  
2011 йил 12 январда 03-001 рақами  
билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати»  
тахририяти компьютер марказида  
терибли ва Тоҳир Маҳмуджоев  
томонидан саҳифаланган.

Навбатчи муҳаррир  
**Кумуш ЭҒАМБЕРДИЕВА**

Назоратчи мусоҳиҳ  
**Аллома АЗИЗОВА**

Навбатчи  
**Маъмуржон ҚИЁМОВ**